

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ДОН ҚУРИТГИЧ

Т.ф.н. доц. Т.Б.Маматов
Ассистент. И.Каримов.
Талаба.Ғ.Мамажанов.

Наманган мухандислик технология институти.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида эътироф этилгандан сўнг халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширилди. Республикамиз дон маҳсулотлари тизимида ҳам сўнгги йилларда катта ютуқларга эришилди. Жумладан республикамизда қисқа вақт ичида дон мустақиллигига эришилди. Ҳозирги кунда Республикамиз бўйича йилига 8 млн. тоннадан ортиқ дон етиштирилмоқда.

Дон майдонларининг кенгайиб бориши ҳамда дон ялпи ҳосилнинг ортиши дон маҳсулотлари тизимини такомиллаштириш ва кенгайтиришни тақозо этмоқда. Зеро, етиштирилган маъжуд ҳосилни сифатли сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек истеъмолчиларга мунтазам равишда бекаму кўст етказиб бериш дон маҳсулотлари тизими олдидаги энг асосий вазифадир. Шу боис республикамизнинг кўпгина вилоят ва туманларида кўплаб замонавий омборлар ва қайта ишлаш корхоналари бунёд этилмоқда.

Маълумки дон инсон ҳаётида қиёслаб бўлмайдиган аҳамиятга эга.

Инсон истеъмол этадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тахминан 65-75% и дондан тайёрланади. Дондан саноатда кўплаб ун, ёрма ва омукта-ем каби бирламчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Халқимизнинг бу маҳсулотларга бўлган талаби бениҳоят каттадир. Аҳолини дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш ҳозирги бозор муносабатлари барқарорлашиб бораётган бир даврда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Аҳолини дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш ҳозирги бозор муносабатлари барқарорлашиб бораётган бир даврда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Аҳолини дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондиришга фақатгина кўплаб дон етиштириш орқали эришиб бўлмайди. Етиштирилган дон, ёрма ва омукта емларни сифатли ва беисроф сақлай билиш лозим.

Таклиф этилаётган қуришнинг ишлаши Вентиляторнинг сўрувчи қисмига, қуёш коллекторида исиб келаётган ҳавони йўналтирилди.

Дон уюмини актив шамоллатиш қурилмаси

А-Совик ҳаво оқими

Б-Исиган ҳаво оқими

1-Қуёш коллектори

2-Ҳаво ўтказувчи труба

3- Электродвигател

4-Вентиляторнинг сўрувчи қисми

5-Силос

6-Ҳаво юрувчи труба

7-Дон

Қуёш коллектори цилиндрсимон шаффоф муҳидан иборат (расм) бўлиб унинг ичига қуёш энергиясини ҳавонинг иссиқлик энергиясига айлантириб берувчи элемент жойдаштирилган. Уларнинг остида изолацияловчи элемент жойлаштирилган бўлиб, у қуёш энергиясидан олинган иссиқликни сақлайди.

Коллектор қуёш нури яхши тушадиган жой(майдончага,бинонинг томига, қўйилади. Қуёш нури, шаффоф муҳит орқали ўтиб, қуёш энергиясини хавонинг иссиқлик энергиясига айлантириб берувчи элементга тушиб,қуёш энергиясини хавонинг иссиқлик энегиясига айлантириб, ҳавони иситади. Шаффоф ва изолацияловчи муҳитлар иссиқ ҳавони ушлаб туради. Исиган ҳавони вентилятор сўриб олиб силосдаги дон уюми ичига юборади. Дон уюмининг ичига мавжуд технологиядаги атмосфера ҳаво ўрнига исиган ҳавони юбориш эвазига донни қуритишга сарфланаётган вақт камайиб сарфланаётган электр энергия миқдори тежалади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. БўриевХ.Ч., Жўраев Р., Алимова О. Дон махсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш. Т., «Мехнат», 1997.
2. Орипов Р., Сулаймонов И.Ў, Умирзоқов Қишлоқ хўжалик махсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Т., «Мехнат», 1991.
3. А.Ш. Азизов Сақлаш омборлари ва қайта ишлаш корхоналарини лойихалаштириш асослари ва жихозлари Т.2013-йил
4. Т.Б. Маматов ,И.Каримов Сақлаш омборлари ва қайта ишлаш корхоналарини лойихалаштириш асослари ва жихозлариЎқув услубий мажмуа|| Нам М Т И 2014-йил